



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil " 5 " yanvar

Қ-20 -son

Termiz sh.

**Шеробод тумани Н.Муродов массиви
худудидан "Sherobod Diyori" МЧЖга пахта
ва ғаллачилик маҳсулотларини етиштириш
учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига ва вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 24 октябрдаги 05-02/745-сон йиғилиш баёни ва Шеробод тумани ҳокимининг 2020 йил 1 октябрдаги 05-01/1319-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 24 октябрдаги 05-02/745-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шеробод тумани Н.Муродов массиви худудидан "Sherobod Diyori" МЧЖга пахта-ғаллачилик маҳсулотларини етиштириш мақсадида туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалиги харитасининг 13-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 49 балл бонитетли, 17, 26к-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 54 балл бонитетли ва тупроқ унумдорлиги баҳоланмаган 20-дала контуридаги жами 71,56 гектар ер, шундан 66,80 гектар суғориладиган экин ер, 0,21 гектар тутзор ва 2,99 гектар ариқ ва зовурлар ер майдонлари доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ва Шеробод тумани ҳокимлиги ер ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммаларига юклансин.

Вилоят ҳокими

Т.Боболов

